

вегетатив новдалар унинг фикрича қўпайтириш учун ярамайди.

Пайвандалар учун уруг ва пайвандаш учун новдалар фақат текширилган, нав тозалиги аниқланган, касал ва зааркунандалардан холис бўлган она дарахтлардан олади.

У йилига кам тарқалган махаллий навларнинг 5 000 ортиқ сифатли қўчатларини етиштиради. Шу билан бирга Худойберген боғбон анор, анжир, узум, олма, шафтоли, ўрик боғларидан юқори ҳосил олиш бўйича анъанавий қўнималарига эга.

У анор, анжир тупларини қиши ойларида совуқдан сақлаш мақсадида фақат қамишдан фойдаланади. Экан ўсимлиги анор, анжир тупларини кўмишга қулай бўлгани билан ўзига нам тортади ва туплар ҳолатига салбий таъсир қўрсатади.

Худойберген боғбон ўз тажрибаларини мунтазам равишда оммалаштиради ва тажриба алмашади.



Анжир боғи



Хожибоев Худойберген боғи анор боғи

Ушбу буклет Bioversity International қўмагидаги “Марказий Осиёнинг қургоқчилик худудлари бўйича (CRP1.1.) CGIAR тадқиқотлар режаси доирасида мўътадил иқлим мева экинларининг юқори сифатли қўчатлари билан фермерларни таъминлаш учун ургучилик системаси платформасини яратиш” лойиҳаси доирасида тайёрланди ва нашр этилди.

Таклиф ва мулоҳазалар учун контактлар:

Ўсимлиқшунослик илмий-тадқиқот институти (ЎИТИ)

Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қиброй тумани, Ботаника қишлоғи.

Тел.: (+998-90) 987-79-05

Эл. почта: [uzripi@yandex.com](mailto:uzripi@yandex.com)

Тузувчилар: К.И.Байметов, П.Т. Назаров  
М.К.Турдиева ва К.И.Байметовлар умумий таҳрири остида.



## Ўсимлиқшунослик илмий-тадқиқот институти

Сифатли мева экинлари қўчатларини етиштиришда фермерларнинг анъанавий усуллари



Хожибоев Худойберген  
Қорақалпогистон Республикаси Беруний тумани У. Жуманиязов қишлоғи,  
«Жуманиязов-67» фермер хўжалигининг аъзоси

Тошкент – 2015

Хожибоев Худойберген Қорақалпогистон Республикасида энг тажрибали боғбонлардан бири. У 65 йилдан кўпроқ вақт давомида боғдорчилик билан шуғулланиб, Республикада бу соҳани ривожлантиришга катта хисса қўшган. У мева экинлар кўчатчилиги, сабзовот экинлари ургучилиги, боғларни парвариш қилиш ва қишлоқ хўжалигини бошқа соҳалари билан унумли шуғулланган. Кейинги йилларда мева экинлари кўчатчилигига кўпроқ эътибор бериб келмоқда.



Хожибоев Худойберген олма боғи

Унинг 7.0га дан кўпроқ боғи бўлиб, шулардан 2.0га олма, 2.0га ўрик, 0.4га узум, 0.6га анор ва 2.0га ни шафтоли, анжир ва бошқа экинлар ташкил этади. Мева қўчатзори 0.25га майдонида ташкил этилган бўлиб, олма, нок, ўрик навлари пайванд қилинмоқда. Узум ва субтропик экинлардан анор ва анжир навлари қаламчалар билан кўпайтирилмоқда.

Кўчатзорда олманинг Ёзги Хазарасп, Қишики Хазарасп, Ренет Симиренко; нокнинг маҳаллий Хон Нашвати; ўрикнинг Майский, Нуқул, Майский транспортбоп; узумнинг Тайфи; анжирнинг Сариқ анжир; анорнинг Қизил анор ва Юпқа пўчоқ навлари кўпайтирилмоқда.

Кўпайтирилган навлар орасида ўрикнинг Майский транспортбоп, нокнинг Хон Нашвати ва анорнинг Юпқа пўчоқ навлари маҳаллий шароитларга яхши мослашган бўлиб, уларга бўлган талаб ҳам юқори. Ўрикнинг Майский транспортбоп нави Республикамизда ҳам тарқалган бўлиб, шу муддатда пишадиган навлардан транспортбоплигининг юқорилиги билан ажралиб туради. Маҳаллий шароитларга мослашган анорнинг Юпқа пўчоқ, Қизил анор навлари апрель ойигача оддий шароитларда сақланади.



Узумзор.

Худойберген боғбоннинг боғида жуда кам тарқалган нокнинг Хон нашвати ва анжирнинг Сариқ анжир навлари етиштирлмоқда. Бу навлар кўчатларига бўлган талаб ҳам юқори.

---

Хўжалик ери шўрланганилиги учун камида икки марта қунт билан шўри ювилади.

---

Кўчатзорнинг биринчи даласига уруғ (данак) экишдан олдин 30 см чукурлиқда ҳайдалиб гектар

хисобида 25-30 тонна чириган гўнг ва минерал ўғитлар солинади.

Фермер мевали экинларни кўпайтиришда кенг эгатлардан фойдаланади. Ҳамма мевали экин уруглари (данаклари) бундай эгатлардан икки қатор қилиб экилади. Вегетатив йўл билан кўпаювчи анор, узум ва анжир навлари шундай эгатларда икки қатор қилиб экилади.



Анжир боғи

Уруглар стратификация қилинмасдан кўчатзорнинг биринчи даласига экилади. Нихолларни пайвандга тайёрлаш учун 2-3 марта азот ўғитлари билан озиқлантирилади ва август ойида пайвандлаш жараёни бошланади. Пайванд учун новдаларни она дарахтлардан олади.

Худойберген боғбон ўзининг кўп йиллик тажрибасидан келиб чиқсан ҳолда пайванд учун куртакларни дарахтини фақат қибланинг ўнг томонидан олишни тавсия этади. Бундай куртаклар ривожланган ва пайванд учун етилган бўлади. Пайванд қилинган куртакларни тутиб кетиш даражаси 95-97% ташкил этади.

Худойберген боғбон анор навларини кўпайтиришда ҳам ўзига хос услугуб бўйича қаламчалар тайёрлайди. У фақат хосил берувчи шохлардан новдалар олади. Кучли ўсуви